

# 26 МАРТ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЗЎР УЮШҚОҚЛИК ВА

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

***26 март куни эрталаб Тахиятош шаҳридаги Шароф Рашидов номли ўрта мактабга етиб келдик. Мактаб биносида Референдумни ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон округининг 66-сонли маркази жойлашган.***

Соат миллари энди-энди эрталабки 8 га яқинлашиб келаётганига қарамай участка маркази одамлар билан гавжум экан. Турли-туман шиор ва чақириқлар билан безатилган бинонинг бир чеккасида мактаб қошидаги ансамбль ўз концерт дастурини намойиш қилишга ҳозирлик кўраётган бўлса, иккинчи томонда қатор савдо ўринлари ҳар хил ширинликлар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг савдосини қизитаётир. Яна бир жойда эса бир гуруҳ ошпазлар катта дошқозонларда овқат тайёрлашмоқда. Ҳамма жойда байрамона руҳ, кайфият сезилади.

— Участкамизда Референдумни юқори савияда ўтказиш учун бекаму кўст ҳозирликлар кўрдик, — деди 66-участка комиссияси раисининг ўринбосари Т. Хўжангунов. — Биз зарурий ҳужжатларни, ташкилий техникавий ашёларни ўз вақтида олдик. Комиссия аъзолари ва фаоллари ёрдамида фуқаролар ўртасида ҳар хил тадбирлар ўтказдик. Референдумга тайёргарликда ва уни ўтказишда, айниқса, Тахиятош гидроэнергия қурилиш ташкилоти ҳамда Тахиятош нефть маҳсулотлари базаси жамоалари бизга катта ёрдам кўрсатдилар.

Шу ерда овоз беришга қатнашиб, чиқиб келаётган Тахиятош нефть базасининг лабараторияси бошлиғи С. Биссимбаев ва ушбу корхонанинг оператори К. Хўжақуловни учратиб, суҳбатга жалб қилдик.

— Ушбу Референдум жуда тўғри ва ўз вақтида ўтказилаётган муҳим тадбир бўлди, — деди Кенжабой Хўжақулов. — Бизнинг нефть база жамоаси ҳам бошқа корхона-ташкилот ходимлари ва шаҳар фаоллари сингари Президент ваколатини 2000 йилга қадар узайтириш ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги барқарорликни таъминлаш, бошланган катта ҳайрли ишларни ниҳоясига етказиш учун энг маъқул бўлган усул, дея баҳолашмоқда. Ва бир овоздан мазкур тадбирни қўллаб-қувватлашмоқдалар.

Ўша куни участкага овоз бериш учун келаётган одамларнинг қатори узилмади. Овоз бериш жараёнида қонунда назарда тутилган барча қоида ва талабларга тўла риоя қилинди.

**Ҳ. АБДУСОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




***Халқимиз тарихида янги давр бошланди. Ватанимизнинг тараққиёт йўли аниқ белгилаб олинган. Бу йўлни истиқлол учун, мустақил Ўзбекистон учун, бозор муносабатлари ва умуман туб ислоҳотлар ўтказиш учун овоз берган, уни қўллаб-қувватлаган халқнинг ўзи тан олди. Халқ якдиллиги ва ҳамфикрлиги — ҳаммамизнинг буюк ғалабамиз.***



## АНДИЖОН

***Наврўз шукуҳи, қайноқ нафаси билан яшаётган андижонликлар халқимиз тарихида унутилмас санага айланиб қоладиган кунни катта кўтаринкилик билан кутиб олишди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ўзига хос либос кийди.***

Эрта тонгданоқ карнай-сурнай садолари дилларга завқ бағишлади. Юртнинг кўрки бўлган оқсоқоллар, дилбар онахонлар қувноқ кайфият билан овоз бергани сайлов участкаларига келдилар. Деярли барча жойда саноат моллари савдоси ташкил этилди. Махсус безатилган саҳналарда хушовоз хонандаларнинг концерт дастурлари намойиш этилди.

Избосканликлар қутлуғ кун арафасида яна бир шодиёнага гувоҳ бўлдилар. Туман марказидаги бош майдонга мустақиллигимиз рамзи сифатида Ҳумо қуши тимсоли ўрнатилди. А. Тиллабоев номли ҳамда «Янги ҳаёт» жамоа хўжаликлари «зангори олов» ёқдилар. Ш. Юсупов, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжаликларида эса табиий газ ёқилиши учун сўнгги ишлар амалга оширилаётир.

Биз Избоскан туманидаги 24-Тўрткўл сайлов участкасига эрта тонгданоқ ташриф буюрдик. 80 ёшни қоралаб қолган Абдулла ҳожи Мирзаев ўғил-қизлари билан сайлов участкаси жойлашган 8-махсус санъат билим юртидан чиқиб келишаётган экан.

— Оиламиз аъзолари билан, — деди Хожи ота, — Президентимиз ваколати муддатини 1997 йилдан 2000 йилга қадар узайтиришни ёқлаб овоз бердик. Боиси эртанги ёруғ кунларга умид боғлаган, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашини астойдил истайдиган ҳар бир киши шундай қилди.

Андижон вилоятининг бир миллиондан зиёд аҳли умумхалқ Референдумида қатнашиб, ўз фикрларини изҳор қилдилар. Дарвоқе, андижонлик фуқароларнинг маълум қисми ишлайдиган Қирғизистон ҳудудидаги яйловларда алоҳида транспорт ва сайлов қутилари ажратдилар. Жойларда сайлов участкаларига келолмайдиган беморлар, кексалар ҳузурига Референдумни ўтказиш бўйича комиссия аъзоларидан иборат вакиллар борди.

**Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БУХОРО

***Бухорода умумхалқ Референдуми Наврўз шодиёналарга уланиб кетди. Тўғрироғи, у катта баҳор сайлига айланди.***

Биз эрта тонгданоқ Ғиждувон туманидаги 6-ўрта мактабда жойлашган 332-овоз бериш участкасида бўлганимизда меҳнат ва уруш фахрийлари, қариялар ва ёшларнинг умумхалқ сўровига бағишланган митинги устидан чиқдик. Унинг иштирокчилари Республикамиз Президентининг фахрийлар ва ёшларга бўлган ғамхўрликлари, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлидаги олиб бораётган ишлари хусусида тўхталдилар.

Участка ёнида савдо ярмаркалари ташкил этилган. Оппоқ гулларга бурканган боғда тузалган дастурхонга халиса ва ош тортилди. Ҳамманинг юзида баҳорий кайфият ҳукмрон. Участка раиси Иброҳим Норовнинг айтишича ўша куни соат тўққиздаёқ 60 фоиз аҳоли овоз бериб улгурган.

Шофирконликлар ҳам умумхалқ Референдумини аъло даражада ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўришгани намоён бўлди. Тумандаги 267-Шўробод участкасида соат ўн биргача 94 фоиз аҳоли овоз берди. Бу ерда ҳам бўлиб ўтган митингдан сўнг дастурхонга миллий таомлар тортилди. Туман бадиий ҳаваскорлик жамоалари аҳолига ўз санъатларини намойиш этишди. Спорт мусобақалари ташкил этилди. 267-Султонхўжа участкасида ҳам шод-хуррамликнинг гувоҳи бўлдик. Одамлар савдо ярмаркаларидан ҳар хил маҳсулотлар харид қилишди, таниқли санъаткорларнинг чиқишларини томоша қилишди.

Умуман, умумхалқ Референдуми вилоятнинг барча туманларида кўтаринки руҳда, фаоллик билан ўтди, десак муболаға бўлмайди. Халқимиз ўз юртбошисини қадрлашини, ҳурматлашини ана шу тариқа яна бир карра намойиш этишди.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖИЗЗАХ

***Вилоят шаҳар ва қишлоқлари аҳолисини эрта тонгдан карнай-сурнай наволари уйғотди. Ҳали соат етти бўлмасданоқ овоз бериш участкаларида ўзларининг Конституциявий бурчларини адо этиш учун келган кўплаб кишиларни учратиш мумкин эди.***

Улар ўзгача фахр-ифтихор билан овоз бериш бюллетенларини олиб, ўз хоҳиш-иродаларини ифода этишарди.

— Ўғилларимиз, уч нафар келинимиз билан биринчилардан бўлиб Президентимиз ваколатини 2000 йилгача узайтириш учун овоз бердик, — дейди уруш фахрийси; заҳирадаги зобит Ғайбулла Ҳамроев — индустриаль техникуми биносида жойлашган овоз бериш участкасидан турмуш ўртоғи билан қайтар экан.

— Бугунги Референдум келажаги буюк бўлган Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз, — деди биз билан суҳбатда уруш ва меҳнат фахрийси Қипчоқ Исмоилов. — Рости, халқимиз Референдумнинг ҳаётий зарурат эканлигини тушуниб, бу тадбирга ўзгача масъулият билан ёндошаётганлигидан мамнунман. Жиззах туманидаги 161-овоз бериш участкасига икки-икки ярим соат ичида овоз берувчиларнинг 90 фоиздан зиёдроғи келиб кетди.

Вилоятнинг барча жойларида умумхалқ Референдуми ана шундай кўтаринки руҳда ўтди.

Куннинг дастлабки ярмида мавжуд 395 та овоз бериш участкасининг асосий қисмида фуқароларнинг кўпчилиги овоз бериб бўлдилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

## НАВОИЙ

***Навоийликлар Референдумга ўзига хос тайёргарлик кўрдилар. Вилоятнинг йирик-йирик ташкилотларида уч ойлик режалар муддатидан олдин уддаланди.***

«Навоийсут» ва «Нурбулоқ» ҳиссадорлик жамиятлари иккинчи чорак учун маҳсулот бера бошлади. Учинчи гидрометаллургия заводи қурилиши жадал суръатда ниҳоясига етказилмоқда. Зарафшон дарёсига кўприк қурилиши битказилди. Навбаҳор туманида 200 кишини қабул қилишга мўлжалланган шифохона ишга туширилди. Навоий шаҳрида нон цехи дастлабки маҳсулотларини бера бошлади. Буларнинг барчаси навоийликларнинг юртбошимиз олиб бораётган иқтисодий ислоҳотлар сиёсатига юксак эҳтироминининг маҳсулидир.

Шу боис Референдум вилоятда ўзига хос байрам тусини олди. Унда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлар эрта тонгданоқ овоз бериш участкаларига кела бошладилар.

Референдум вилоятда юксак уюшқоқлик билан ўтказилди.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НАМАНГАН

***Наманган вилоятида Референдум уюшқоқлик билан ўтди. Шу куни тонг ёришиб-ёришмасданоқ минглаб одамлар юзларида қувонч билан овоз бериш участкалари томон йўл олдилар.***

Одамлар кўчаларда ўзаро илиқ саломлашар экан, байрам билан бир-бирларини табрикладилар. Участкаларда одамлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Бу жойларда озиқ-овқат, савдо ярмаркалари ташкил этилди. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўзларининг катта концерт дастурларини намойиш этдилар. Умумий овқатланиш корхоналари ходимлари ҳам, сайловчиларга бажонидил хизмат қилишди.

Ушбу умумхалқ Референдуми вилоят халқининг дилидаги орзу истаклари билан уйғунлашиб кетганлигини одамларнинг юз-кўзларидан, кўтаринки кайфиятидан сезиш мумкин эди. Диққатта сазовор томони, вилоятдаги 476 овоз бериш участкаларининг ҳаммасида бу тадбир катта тантаналарга айланиб кетди.

Бир сўз билан айтганда вилоятдаги барча туман, шаҳар, маҳалла ва қишлоқларда кўнгил очар тадбирлар эртадан-кечгача давом этди. Жойларда спорт мусобақалари, саҳналаштирилган кўрик танловлар ўтказилди. Умумхалқ Референдуми ўтказилган 26 март вилоят халқи ҳаётида тарихий воқеа бўлиб қолди. Зеро, улар республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнаган юртбошимиз ваколатларини узайтириш тўғрисида ўз муносабатларини билдиришди. Улар бу билан юртимиз равнақи ва келажагига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

**Абдулҳошим МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## САМАРҚАНД

***Вилоятдаги 742 та участка комиссияси Референдумга тайёргарлик ва уни ўтказиш борасида катта миқёсдаги ишларни амалга оширди. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг аксарияти эрталабданоқ Референдумда иштирок этдилар.***

— Президентимизнинг ваколати муддати 2000 йилгача ўзайтирилиши мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳозирданоқ самарали натижалар бераётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда кенг имконият яратади, — дейди Самарқанд шаҳридаги 23-овоз бериш участкасига келган меҳнат фахрийси Салим Пўлатов.

— Юртбошимизнинг Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган давлатлар сафига олиб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, бошланган ишларнинг муваффақиятли ниҳоясига етказилиши учун Президент ваколатининг узайтирилиши ғоят катта аҳамиятга эгадир. Биз бугун умумхалқ сўровида юртимиз камолини ёқлаб овоз бердик, десак адашмаймиз.

Референдум вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида уюшқоқлик руҳида ўтди. Шу куни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг қарийб 70 фоизи кундуз соат 11 гача овоз бериб бўлганининг ўзиёқ самарқандликлар бу муҳим сиёсий тадбирга катта масъулият билан ёндошганликларидан далолат беради.

**М. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СИРДАРЁ

***Рефрендум вилоятда фақат сиёсий руҳда эмас, балки байрамона тусда бошланди. Одамлар эрталабданоқ, овоз бериш участкалари томон ошиқдилар.***

Уларнинг кайфиятидан юртбошимизга бўлган ишонч ва содиқликни, ватанимиз келажаги, тинчлиги ҳамда барқарорлигига нисбатан фуқаролик масъулияти юксак эканлигини сезиш қийин эмас. Шу куни Мирзачўл шаҳар, қишлоқларида аҳил, иноқ яшаётган турли миллат вакиллари Референдумда фаол иштирок этиб, жипслик ҳамда ҳамжиҳатлик асосида ўз хоҳиш-иродаларини билдирдилар.

— Шуниси эътиборлики, Референдумга тайёргарлик жараёнидаёқ вилоятимиз аҳолиси Президентимиз олиб бораётган сиёсат ва фаолиятни юқори баҳолагандилар — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, Референдум ўтказувчи вилоят округ комиссия раиси Собир УСМОНОВ. — Чунки у кишининг номи билан боғлиқ хайрли ишларни халқимиз ҳар куни ва ҳар қадамда кўриш билан бирга юксак қадрламоқда. Шу боис сирдарёликлар Рефрендумни уюшқоқлик билан ўтказдилар.

Вилоятнинг барча шаҳар, қишлоқларида фуқаролар чошгоҳгача ўз бурчларини тўла адо этиб бўлдилар: тузилган 258 та участканинг барчасида овоз бериш қонуний асосда ўтказилди. Айни чоғда фуқароларга маданий ва савдо хизмати ҳам ташкил этилди. Ўтган Референдум одамлар қалбидан унутилмас тарихий сана сифатида мустаҳкам ўрин олишига шак-шубҳа йўқ.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СУРХОНДАРЁ

***Президентимизнинг ваколатини 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги Референдумга Сурхондарё вилоятида ҳам катта ҳозирлик кўрилди. Вилоят ҳокимлиги бу сиёсий тадбирнинг штабига айланди. 510 овоз бериш участкасининг ҳаммаси зарур бўлган жиҳозлар, адабиётлар билан таъминланди. Бунинг учун 1 миллион 700 минг сўмлик маблағ сарфланди.***

Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессияси ўтгандан сўнг, фуқароларнинг 817 та йиғлиши бўлиб, уларда 178 минг нафар фуқаро иштирок этди. 4000 нафардан зиёд киши сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлис биринчи сессиясининг Референдум ўтказиш тўғрисидаги қарори халқнинг дилдаги гап эканлигини айтишди.

Президент амалга ошираётган барқарор сиёсатдан халқимизнинг мамнун эканлигини таъкидлаш мароқлидир. Ана шунинг учун ҳам халқ овоз бериш участкаларида худди байрамга бораётганга ўхшаб келди: кўпдан-кўп овоз бериш участкаларини айланиб жуда кўп фуқаролар билан суҳбатлашиб ана шу нарсага иқрор бўлдик.

Бу катта сиёсий тадбирнинг муваффақиятига табиат ҳам ҳомийлик қилди. Якшанба куни Сурхондарё осмони тоза, ҳарорати эса 30 даражага чиқиб кетди.

Худди тўйлардагидек эрталабдан овоз кучайтиргичлар ажойиб куй ва қўшиқ садоларини атрофга тарата бошлади. Халқ талантлари эса бу тадбирнинг файзини янаям ошириб юборишди.

Мен вилоятни айланиб, яна бир нарсани кузатдим: ҳамма Референдумнинг муваффақиятли ўтиши ҳақида гапирарди. Бу — барқарор сиёсатнинг эътирофидир.

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

***БИЗ Референдум ўтказувчи 1-участкада овоз бериш айни қизғин паллага кирган пайтда «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Георгий Сидаков билан учрашиб суҳбатлашдик.***

— Корхонамизда, — деди у, — иш бир маромда давом этаяпти, одамларимиз маошларини вақтида олишаяпти. Бугун биз уларнинг кўпчилиги билан суҳбатлашиб, ишонч ҳосил қилдикки, ҳаётнинг яхшиланишига, ишсизлик бўлмаслигига қатъий ишонадилар. Шу боис янгиободликлар Референдумда фаол қатнашиб, Ўзбекистон Президенти ваколатларини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш учун якдиллик билан овоз бердилар. Юртбошимизнинг барқарорлик, миллий тотувлик, халқлар ўртасида дўстлик, иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишга қаратилган сиёсатининг нақадар тўғри эканлиги бугунги кунда ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди...

Ҳақиқатан ҳам барча участкалар эрта тонгданоқ одамлар билан гавжум бўлди. Кун яримламасданоқ Янгиобод аҳолисининг асосий қисми ўз фуқаролик бурчини адо этди. Ким билан суҳбатлашмайлик, ҳамма Президент ваколатини 2000 йилгача узайтириш давр талаби эканлигини таъкидлайди.

Кончилар шаҳридаги Улуғбек маҳалласида умумхалқ Референдуми Наврўз тантаналарига уланиб кетди.

— Ҳамманинг кайфияти чоғ, — дейди маҳалла фуқаролари йиғини раиси Абдурасул Жумақулов. — Одамлар овоз бериш участкаларидан тўғри сайлгоҳга йўл олдилар.

Тошкент вилоятининг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида умумхалқ Референдуми байрамона кайфиятда ўтди. Бунда маҳаллий ҳокимият органларининг ҳиссаси катта. Аввалдан пухта тайёргарлик кўрилгани боис 26 март тадбири одамлар ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган даражада тантанага айланди. Кўп қишлоқ ва маҳаллаларда байрам дастурхонлари ёзилиб, бир пиёла чой устида қизғин гурунглар уюштирилди. Одамлар бугунги иқтисодий қийинчиликлар ўткинчи бўлиб, ёруғ кунлар яқин эканлиги хусусида мароқ билан суҳбатлашдилар. Халқ қалбидаги мана шу қатъий ишонч эртанги порлоқ куннинг мустаҳкам гаровидир.

**А. ҲОТАМОВ,**
**«Народное слово» мухбири.**

## ФАРҒОНА

***Референдум куни вилоятда «Наврўз» байрамининг узвий давоми — умумхалқ байрамига айланиб кетди. Референдум ўтказувчи 742 та участка комиссияларида овоз берувчиларни эрта тонгданоқ комиссия аъзолари билан бирга ҳокимликлар вакиллари, меҳнат ва уруш фахрийлари, энг ҳурматли кишилар ҳурмат-эҳтиром, хуш-кайфият билан кутиб олдилар. Санъаткорлар, халқ талантларининг томошалари, концертлари маросимга шодиёналик бахшида этди.***

Қува, Ўзбекистон, Тошлоқ, Бағдод, Бувайда, Сўх туманларида эрталабки ўнга қадар фуқароларнинг 90фоиздан ортиғи овоз бериб бўлди, Қува туманидаги 405-Гумхона, 426-Анор овоз бериш участкаларида соат 8 га қадар овоз бериш бюллетени тарқатилган барча сайловчилар фуқаролик бурчларини адо этдилар.

Пошшопирим нафақат Бувайда туманининг, балки Фарғона вилоятининг ҳам энг муқаддас қадамжоларидан бири. 286-участка ана шу ҳудудда жойлашган. 108 ёшлик Саддинисо момо Ботирова дугонаси100 ёшлик Қоранисо момо Қурбонова билан кўплар қатори овоз бериш участкасига ташриф буюришди.

— Оқпошшонинг ҳам тузини тотдик, шўролар давридаги сайлов «ўйин»ларида ҳам қатнашдик, — дейди Саддинисо момо, — яратганга минг бора шукрким, мана шу дориламон кунларга ҳам етиб келдик. Мен юртбошимизнинг ваколатларини узайтиришга фарзандларим, невараларим билан чин юракдан овоз бердим.

Хайрулла Усмонов, Ғанишер Орифжонов, Ғайрат Мирзакаримовлар онахон билан бирга ёнма-ён биринчи марта овоз беришди.

Тошлоқ туманининг Ахшак қишлоғилик Ҳалимжон Эгамбердиев ва Мухторали Сатторовлар учун Референдум куни қўшалоқ байрам бўлди. Улар шу куни 18 ёшларини нишонлаш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатлаб қўйилган ҳуқуқларига тўла эга бўлиб, биринчи бор овоз беришди. Шу билан бирга уларга «Ўзбекистон Республикаси фуқароси» деган паспорт ҳам топширилди.

Қувасой шаҳридаги участкалардан бири олис — Чўнг-Олой яйловига жойлашган. Бу ерда қишлов ўтказаётган 300 дан ортиқ чўпонлар, уларнинг оилалари ҳам ватандан олисда бўлишларига қарамай, фуқаролик бурчларини ўз вақтида адо этишди.

Фарғоналиклар ушбу сиёсий тадбирга уюшқоқлик билан иштирок этиб, ўз хоҳиш-иродаларини эркин тарзда ифода этдилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ХОРАЗМ

***Вилоят бўйича ташкил этилган 333 та участканинг барчаси эрта тонгданоқ овоз берувчилар билан гавжум бўлди. Карнай-сурнай, соз ва дўмбиралар тароналари жаранглаб воҳа аҳлини овоз бериш участкаларига чорлади. Дарҳақиқат, овоз бериш маросими — умумхалқ тўйи, шодиёна руҳида ўтди.***

Референдум кўп жойларда турли қувончли сана ва воқеаларга уланиб кетди. Янгибозор туманидаги «Аму» тадбиркорлик фирмаси раҳбарияти овоз беришда иштирок этган туман аҳлини «Бўзқалъа» қишлоғида қуриб битказилган янги деҳқон тижорат бозорининг тантанали очилиш маросимига таклиф этди ва улар учун катта байрамона дастурхон ёзилди.

Хоразм туманидаги Пушкин номли мактабда жойлашган овоз бериш участкасига ташриф буюрганимизда қизғин иш устидан чиқдик.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚАШҚАДАРЁ

***Маълумки Қашқадарё вилояти аҳолиси ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Президент ваколати муддатини 2000 йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ Референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорини республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг узлуксиз амалга ошиши сифатида қабул қилишган эди.***

Референдум куни халқнинг ана шу хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топди. Одамлар эрталабданоқ овоз бериш участкалари томон кела бошлашди. Мазкур сиёсий тадбирда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга олдиндан таклифномалар юборилганлиги, кимнинг қайси жойдан овоз бериш бюллетенларини олиши белгилаб қўйилганлиги учун ҳам навбат кутиб туришлар, ортиқча сўраб-суриштиришларга ҳожат бўлмади.

Овоз бериш участкаларида иш бир маромида давом этди. Ҳар бир фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишига имкон яратилди.

Қарши даштида қурилаётган Таллимаржон ГРЭСи бунёдкорларининг Нуристон шаҳарчасида ташкил этилган овоз бериш участкасида кундуз соат ўнга қадар рўйхатга олинган кишиларнинг асосий қисми овоз бериб бўлишди.

Қарши шаҳридаги 10-ўрта мактабда ташкил топган овоз бериш участкаси комиссия раиси Малоҳат Хўжанова ўтган йил декабрь ойида республика Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловлардан буён овоз берувчилар сони 18 ёшга тўлган ёшлар ҳисобига 170 кишига кўпайганлиги, уларнинг ҳаммаси бошқалар қатори умумхалқ сўровида фаол иштирок этишганини маълум қилди.

— Вилоят округ комиссия раиси Шамсиддин Набиев шундай деди: Вилоятда ташкил этилган 665 та овоз бериш участкаларининг ҳаммасида Референдум кўтаринки руҳда ўтди.

**Пўлат ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ







*Умумхалқ Референдуми ўтказилаётган ислоҳотлар ва юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш сиёсатини халқимиз қўллаб-қувватлашининг ёрқин намунаси бўлди.*

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

## ТАРИХ САҲИФАЛАРИДА ҚОЛАДИГАН КУН

***26 март куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ҳудудида ташкил этилган умумхалқ Референдумида овоз берувчи 551-сайлов участкаси ҳам эрта тонгдан одамлар билан гавжум бўлиб кетди. Шу куни мазкур корхонада меҳнат қилаётган ёшлар ҳам умумхалқ сўровида фаол иштирок этишди.***

**Собир ЯРМОНОВ, завод ишчиси:**

— Мен ҳам мустақил республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида Референдумда ўз овозим билан иштирок этиб, бюллетендаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколати муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга розимисиз?» деган саволга ҳеч иккиланмасдан «розиман» деб жавоб бердим. Чунки республикамизнинг истиқлолга эришиб, мустақил давлат сифатида танилиб боришида юртбошимизнинг хизматлари беқиёсдир.

Шукурки, юртбошимизнинг жонкуярликлари туфайли халқимиз тинч, осойишта ҳаёт кечирмоқда. Ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, етим-есирлар, пенсионеру ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Бундан ташқари, юртбошимиз соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратди. Мамлакатимизнинг олий нишонларидан бири — «Соғлом авлод учун» ордени бунинг ёрқин далилидир. Зеро, соғлом авлодни вояга етказган мамлакатнинг келажаги парлоқ бўлади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда юртбошимизнинг ваколатларини узайтиришни ёқлаб овоз берганлигимиз — бу порлоқ келажагимиз учун ҳам овоз берганлигимиздир.

**Бурхон РИЗАҚУЛОВ, Тошкент давлат дорилфунуни студенти:**

— 1995 йил 26 март мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа сифатида зарҳал ҳарфлар билан тарих саҳифаларига битилади. Ўша куни кўпчилик қатори мен ҳам умумхалқ Референдумида қатнашиб, ҳурматли юртбошимизнинг Президентлик ваколатларини 2000 йилгача узайтиришни ёқлаб овоз бердим. Аксинча, бўлиши мумкин ҳам эмасди. Негаки, бугунги кунда юртбошимизнинг мустақил республикамизнинг порлоқ келажаги учун тинимсиз қилаётган саъй-ҳаракатларини, элим деб, юртим деб ёниб яшаётганлигини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз.

Президентимизнинг ташаббуси билан Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг байрам сифатида, Наврўзи оламнинг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши ҳар қанча таҳсинга сазовор ишдир.

Биз умумхалқ Референдумида овоз бериш билан юртбошимизнинг мустақил республикамиз тараққиёти, унинг порлоқ келажаги йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлаганлигимизни ифода этдик, деб ўйлайман.

**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири Абдурасул ПАРДАЕВ суҳбатлашди.**

## ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК УЧУН

**РЕПОРТАЖ**

***Собир Раҳимов туманидаги Шифокорлар шаҳарчасида жойлашган Референдум ўтказувчи 247-участкага эрталабданоқ одамлар оқиб келишди. Атроф чиннидек тозаланиб, сув сепилган.***

Ўн тўққиз кишидан иборат комиссия аъзоларининг ҳаммаси Референдумни ўтказишга пухта тайёргарлик кўришган. 2567 овоз берувчи яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган. Ичкарига киришингиз билан хушмуомалалик билан кутиб олишади. Исми шарифингизни бир пастда «топиб», имзо чекасиз-да, Референдум бюллетенини оласиз. Сўнг истаган кабина орқали ўтиб овоз бераверасиз.

Биз эрталаб саккизларда овоз бериб чиқаётган одамларнинг айримлари билан суҳбатлашиб, уларнинг Референдум ҳақидаги фикрларини ёзиб олдик.

— Мен, — дейди Давлат автомобиль назорати ходими Атҳам Мадраҳимов, — Президентимиз олиб бораётган сиёсатни тўла қўллаб-қувватлайман. Чунки Ислом Каримовнинг сайъ-ҳаракатлари билан юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукмрон. Қонунбузарлар, жиноятчилар сони кескин камаймоқда. Турмушимиз яхшиланиб бормоқда. Юртбошимиз ваколатларининг узайиши эса, давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимларини уйғун, самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди. Ана шунда ислоҳотлар янада тезроқ амалга ошади. Ватанимиз қудратли, элимиз фаровон бўлиши таъминланади.

— Мен ҳам ҳозиргина Президентимиз ваколатини 2000 йилгача узайтиришни ёқлаб овоз бердим, — дейди 2-Давлат тиббиёт олийгоҳи доценти Ботир Нуриддинов. — Сабаби, у киши фаровонлик учун кўп ишлар қиляпти. Чет эллар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўймоқда. Саноат, қишлоқ хўжалигини замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш ҳисобига жаҳон стандарти талаблари даражасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида катта ишлар қилаётир.

Айниқса, илм-фанни ривожлантириш, юқори билимли, малакали ёшларни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган ишларидан кўпчилик хурсанд.

Михаил Мамедович нафақат иқтидорли педагог, балки тажрибали ташкилотчи, ишчан инсон ҳам. Қолаверса, у Олтинкўл маҳалласидаги катта-кичикнинг ҳам ҳурматини қозонган. Шу туфайли Миробод тумани маъмурлари бу сафар ҳам уни 185-овоз бериш участкасига раисликка лозим топишди.

Референдум куни бу ердаги саронжом-саришталик, овоз берувчиларга кўрсатилаётган намунали хизматни кўриб биз бунга амин бўлдик. Радиокарнайдан шўх куй ва лапарлар янграб турибди, 50-дўкон ходимлари, мактаб ошпазлари эл-юрт хизматида. Сал ичкарироқда эса сизни мактаб муаллимлари кутиб олишади ва бир зумда қўлингизга овоз бериш бюллетинини тутқазади.

— Бугун Референдумда 2100 нафар киши овоз берди, — дейди М. Длянчев, — шуларнинг 23 нафари бундай анжуманда биринчи бор қатнашмоқда.

Биз овоз берувчиларни бирин-кетин суҳбатга тортамиз. Улар ҳукуматимиз юритаётган сиёсатдан, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётдан мамнунлигини изҳор этади.

— Президент ваколатининг 2000 йилгача узайтирилиши айни муддао бўлди, — дейди Лола Мамарасулова. — Бунинг сабаблари бугунги кунда ҳаммага аён. Бу нафақат менинг уч фарзандим камоли учун, балким мустақил юртимизнинг порлоқ истиқболи учун ҳам берган овозимдир. Мамлакат бошида Ислом Каримовдек фидойи инсон турар экан, бундай юртнинг келажаги ёрқин бўлишига ишончим комил.

Ҳа, виждон амри билан Референдумда қатнашаётганларнинг тилида, дилида шу истак. Биз Референдум ўтказувчи бошқа участкаларда бўлганимизда ҳам буни янада яққол ҳис қилдик.

**К. РИХСИЕВ, Э. БОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

***Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак.***

***Биз барпо этаётган давлат энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим.***

*• Сессиядан кейинги ўйлар*

## КУНДАЛИК МАЪНАВИЙ ОЗУҚА

***Олий Мажлиснинг биринчи сессияси материалларини, айниқса, Президентимиз И. А. Каримовнинг маърузаларида баён этилган фикрларини ўрганиб, эртанги кун режаларини янги мафкура асосида тузиш ва амалга ошириш ҳақида ўйладик.***

Юртбошимиз ҳозирги куннинг салобатли, баъзи ўткинчи қийинчиликларидан ҳоли бўлмаган манзарасини кўз олдимизда гавдалантирди. Бу жуда муҳим ҳужжат иқтисодчилар, сиёсатшунослар, социологлар, тарихчилар томонидан атрофлича ўрганилади. Биз ижодга, таълим-тарбияга боғлиқ баъзи фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Кино ва киноэстетика, телевидение ҳамда ёшлар тарбияси масалалари юзасидан билдирилган умумназарий мушоҳадалар ҳам, оқил ва одил кўрсатмалар ҳам диққатга сазовор. Дарҳақиқат, Баҳовиддин Нақшбандий ўгитлари, умуман мусулмон маданияти, амалиёти ва назарияси, демократик анъаналар, мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қила олишини назарда тутиб, кино ва телевидениенинг, ижоднинг барча турларининг тараққиёт йўллари белгиланса, кўпгина ижодий-назарий масалаларни, хусусан, миллийлик, тарихийлик, бадиийлик, санъат асарларидаги гўзаллик тушунчалари билан боғлиқ бўлган муаммоларни ижодий ҳал этиш мумкин бўлади. Янги, мустаҳкам пойдевор, назарий асос пировардида ҳақиқий санъат асарлари яратилиши ва унинг миллионларга етиб боришини таъминлаш учун икки йўналишда иш олиб бориш зарурга ўхшайди. Биринчиси, бадиий баркамол асарлар яратиш масалаларини ҳал этиш бўлса, иккинчиси, томошабин, тингловчи, китобхоннинг эстетик дидини тарбиялашдир. Чуқур умуминсоний ғоянинг миллий шаклда ифода этилиши учун ижодкор истеъдодининг ўзи етарлимикан?! У асрлар давомида шаклланган, лекин кейинги 70 йил давомида инкор этиб келинган анъаналарни ўзлаштирган бўлиши, замон муаммоларини юракдан ҳис этиши, ватанини ардоқлаши ва унга ҳадя этишга арзигудек асар яратиш орзуси, эҳтиёжи билан яшаши ҳам керакдир. Шу боис, отишмалардан, ур-сурлардан, турмуш икир-чикирлари тафсилотларидан иборат енгил-елпи асарларни эмас, замон руҳини бадиий образларда мужассам этувчи асарларни ҳар бир ўзбек хонадони кутмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Сессия минбаридан айтилган ва ёшлар тарбиясига, уларга таълим бериш методикасига, ўқув дастурларига тегишли мулоҳазалар телекўрсатувни, кино маҳсулотини кўра билиш, мағзини чақа олиш масалалари билан боғлиқдир. Шунингдек, мактабларда адабиёт фани билан бир қаторда теле-киноэстетика фани ўтилса, ёшларнинг бақувват, ғоявий теран асарларни беадаб саҳналардан, заиф кино ёки телефильмлардан ажратиб олишларига ёрдам берилган бўлар эди. Бу ўринда хорижий мамлакатларда санъат сирлари, тарихи, имконият ва чегаралари, назарияси ҳақида ёшларга мактабдаёқ чуқур тушунча берилишини эслатиб ўтиш жоиздир.

Президентимиз болалар киноси ҳақида куйиниб сўзлаганларида энг яхши киностудияларимиздан бирига фақат ёшлар учун асарлар яратиш ҳуқуқи берилиши керакмикин, дея ўйладим. Зеро, бундай асарларга оғзаки ва ёзма адабиётимиз мавзу, қаҳрамон, мазмун беришга қодир. Шуҳрат Аббосов, Дамир Салимов, Тамара Камолова каби болалар киносининг усталари эса режиссёрлик бисотларидаги нозик ва нафис бўёқлардан яна фойдаланардилар. Томошабиннинг «миллий қаҳрамонимизни таниши, билиши, улар билан ифтихор қилишга одатланиши»га ўз ҳиссаларини қўшардилар.

Умуман, ижодий, ташкилий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун имконият топса бўлади. Шу ишонч ва қатъийлик юртбошимизнинг маърузасида ҳам сезилиб турди: **«Сир эмас, бир вақтлар марказнинг буйруғини кутиб, бажариб, тепадан кўрсатилган чизиқдан чиқмаслик одатимизга айланган эди».** Худди шунинг учун ҳам жаҳон кинематографик жараёнидан четда қолиб кетгандик. Хорижий мамлакатлар билан бевосита алоқа ўрнатиш, уларнинг киносанъати билан танишиб боришдан маҳрум этилгандик. 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб эса, Москва миллий республикалар кинематографияларининг таркиби, иқтисодий, техник имкониятларини ҳисобга олмасдан «Кинони қайта қуриш низоми»ни барча республикаларда жорий қилди. Натижада кўп студиялар инқирозга учради. Ўзбек кинематографиясига давлатнинг ўзи ҳомийлик қилиши туфайли бу жараён енгилроқ ўтаяпти. Лекин у ҳам ўз таркибини, услубини, режаларини қайта кўриб чиқиб, замон талаблари даражасида асарлар яратишни йўлга қўйиши зарур.

**Ҳамидулла АКБАРОВ, профессор.**



***Асака туманидаги «Асака» ширкатлар уюшмасида бундан бир неча йил илгари белгиланган режалар бажарилмай, хўжалик қалоқлар қаторига тушиб қолганди. Уюшмага Тўлқинжон Умаров раҳбар этиб тайинлангач барча соҳада ўзгариш бўлди. Чунончи пахтачиликда аввалги йиллар ҳосилдорлик 14 центнерга тушиб қолганди. Ўтган йили бу кўрсаткич 33 центнерни ташкил этди. Шунингдек, уюшма аъзолари 225 гектар майдондаги бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил олишди.***

***Уюшма аъзолари кўкламни яхши ниятлар билан қарши олишди.***

***СУРАТДА: уюшма боғбонлари Олимжон Тўхтабоев ва Қўчқорали Қўшақовлар боғларга ишлов беришмоқда.***

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

*• Сўз овоз берувчига*

## ЭЛ-ЮРТ ҒАМИДА

***Мен қирқ йилдан зиёд ўқитувчилик қилдим. Юзлаб собиқ ўқувчиларим ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида ишлаб, эл дастурхони тўкинлигига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.***

*Бундан 4 йил муқаддам узоқ йиллик самарали меҳнатларимни ҳисобга олиб, туман ҳокимлиги томонидан беш хонали уй (олди айвони билан) совға қилишди. Мен бу эътибордан беҳад хурсандман. Биз эл-юрт ғамида, мамлакат осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатаётган юртбошимизнинг ваколатларини 2000 йилга қадар узайтирилишини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, кеча бўлиб ўтган референдумда якдиллик билан овоз бердик.*

**Й. МАЛЛАЕВ, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Охунбобоев номли ширкат хўжалиги.**

